*ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!*

# MAHALLA

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «МАҲАЛЛА» жамғармасининг нашри

№ 33 (311) 2002 йил 14 август, чоршанба. Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган. Сотувда эркин нархда

## ФАРЗАНД КУЛГУСИ МУСТАҚИЛ ВАТАН ҚУВОНЧИДИР



***Фарзанд кулгуси нафақат унинг ота-онаси, балки у улғайиб ўсадиган юрт қувончидир.***

***Зотан, Ватан шу гўдак кулгиси давомийлиги туфайли равнақ топади, буюк бўлади. Ва шу боисдан Ватан бугунги авлодидан меҳрини аямайди.***

### ХАЛҚАРО ХАБАРЛАР

**ЕВРОПАДА СУВ ТОШҚИНИ**

Шу кунларда табиат Ғарбий Европанинг баъзи давлатларига ўз инжиқликларини кўрсатмоқда. Бир неча кундан бери тинмаётган ёмғир олиб келган сув тошқини туфайли Германияда уч киши, Чехияда эса етти киши ҳалок бўлди. Ҳозир бу мамлакатнинг аҳоли зич яшайдиган бешта регионида аҳвол жиддийлашгани сабаб 50 мингга яқин аҳолини вақтинча кўчиришга қарор қилинди. Дарё суви бир неча метрга кўтарилиб кўприкларни бузиб юборган. Қум солинган қоплар билан сувнинг йўлини тўсиш ишларига аҳоли жалб қилинган. Австрия пойтахти Венада ҳам вазият таҳликали. Италияга табиий офат келтирган зарар 3,5 млрд. еврога тенг деб баҳоланмоқда.

**А.ГУКАСЯН ҚАЙТА САЙЛАНДИ**

СССР парчаланганидан кейин ўзини мустақил деб эълон қилган бироқ дунёдаги ҳеч бир давлат уни тан олмаган Тоғли Қорабоғда ўтган якшанба куни бўлиб ўтган президент сайлови натижасига кўра, амалдаги давлат бошлиғи Аркадий Гукасян қайтадан сайланган. Унинг номзоди учун сайловчиларнинг 80 фоизидан кўпроғи овоз берган.

**ҚАМОҚХОНАЛАР АНЧА БЎШАЙДИ**

Туркманистон қамоқхоналаридаги 16 мингдан ортиқроқ маҳбус шу йилнинг декабридан бошлаб озод қилиниши ҳақида президент С.Ниёзов яқинда Туркманистон шаҳрида бўлиб ўтган маслаҳат кенгаши иштирокчилари ҳузурида қилган чиқишида маълум қилди. Қамоқхоналарда фақат ватан хоинлари, давлатга қарши курашганлар, одам ўлдирганлар ва 3-4 марта қамалган 800 га яқин маҳбуслар қолади. Ушбу авфнома рамазон ҳайити олдидан эълон қилиниши кўзда тутилган.

**ВАЗИР МУОВИНИ ҚЎЛГА ОЛИНДИ**

Тожикистон ҳудудларини қўриқлаётган россиялик чегарачиларнинг ҳамда республика президенти ҳузуридаги наркотик моддаларга қарши курашувчи бўлим ходимларининг саъй-ҳаракатларига қарамай Афғонистондан олиб ўтилаётган гиёҳванд моддаларнинг миқдори камаймаяпти. Бу жиноий ишга фақат оддий фуқаролар эмас, балки масъул лавозимда хизмат қиладиган шахсларнинг ҳам қўл. ураётганлиги вазиятни чигаллаштирмоқда. Яқиндагина республика Мудофаа вазирининг муовини Н.Ким ушланган эди. Куни кеча яна масъул бир амалдор қўлга олинди. Умуман шу йилнинг бошидан бери наркокурьерларнинг уч тоннага яқин моли мусодара қилиндики, унинг 800 килога яқинини қимматбаҳо героин ташкил қилади.

### «ФУТБОЛИМИЗ КЕЛАЖАГИ» ТУРНИРИ КУНДАЛИГИ

***Юртимиз маҳаллалари болалари ва ўсмирлари ўртасида ўтказилаётган анъанавий «Футболимиз келажаги» футбол турнири мусобақаларининг қай тарзда кечаётганини мунтазам ёритиб бормоқдамиз.***

Ушбу турнирнинг 15-16 ёшли ўсмирлар ўртасидаги барча босқич ўйинлари айниқса қизиқарли кечмоқда. Айни дамда бу ёшдаги ўсмирларнинг 3-босқич яъни гуруҳлар ғолиблиги учун мусобақалар ўз ниҳоясига етди.

Андижон шаҳрида бўлиб ўтган биринчи гуруҳ ўйинларида Андижон шаҳрининг 8-сон маҳалласи (оқсоқоли О.Султонов) жамоаси 1-ўринни эгаллаб, кейинги босқичга йўлланма олди.

Сирдарё вилоятида бўлиб ўтган 2-гуруҳ ўйинларида Тошкент вилояти Оққўрғон туманининг Уста Нормат маҳалласи (оқсоқоли А.Қодиров) жамоаси ғолиб бўлди.

3-гуруҳда мезбон ҳисобланган Самарқанд вилояти Пастдарғом туманининг Амир Темур номли маҳалласи (оқсоқоли А.Суюнов) жамоаси 1-ўринни эгаллади.

Хоразм вилоятида 4-гуруҳ жамоалари баҳслашишди. Бунда Урганч шаҳрининг Янгиобод маҳалласи (оқсоқоли О.Аржиев) жамоаси кейинги босқичга йўл олди.

Гуруҳлар ғолиблари Қўқон шаҳрида республика ғолиблиги учун баҳслашадилар.

*Қонун ва ёшлар*

### БОЛА ЖИНОЯТЧИ БЎЛИБ ТУҒИЛМАЙДИ

***Аслида ҳеч бир бола жиноятчи бўлиб туғилмайди. Қачонки, боланинг тарбияси издан чиқса, тақдирига лоқайдлик билан қаралса у кўчама-кўча дайдиб юради, жиноятга қўл уради.***

Демак, бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун ота-оналар билан биргаликда иш юритмоқ лозим бўлади. Айни вақтда жамоамиз ҳуқуқни ҳимоя қилиш ходимлари билан ҳамкорликда вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш учун бир қатор тадбирлар белгилаганлар. Бу ишга тумандаги мавжуд маҳаллаларнинг фаоллари, кўчабоши оқсоқоллари бош қўшишмоқда. Маҳаллаларда, хонадонларда, корхона ва ташкилотларда мавжуд аҳволининг турмуш тарзи атрофлича ўрганилаётгани ва бу тадбирларга кенг жамоатчилик иштирок этаётгани ижобий самаралар бермоқда. Тексширишларимиз шуни кўрсатмоқдаки, ҳуқуқбузарлик ёшлар тарбиясига етарлича эътибор бермаслик, уларнинг бўш вақтларда қандай ишлар билан шуғулланаётганлигини назорат остига олмаслик натижасида келиб чиқаётир.

Шу йилнинг февраль ойида уч нафар вояга етмаган ўсмирнинг қонунга хилоф равишда жиноят ишларини содир этганлиги аниқланди. Вояга етмаганлар илгари ҳам бир неча маротаба безорилик, ўғирлик содир этган бўлсаларда, маҳалла, ота-она ва мактаб жамоаси бунга эътиборсиз қараган. Ниҳоят ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари томонидан Жумабоев Абдурашид, Очилов Орзумурод, Ишманов Аҳмадлар навбатдаги жиноят содир этаётган вақтларида ушландилар ва қонун олдида жавоб беришди. Агарда кенг жамоатчилик, маҳалла, мактаб вояга етмаганларни вақтида тартибга чақириб тўғри йўлга бошлаганларида эди, бундай нохушликлар рўй бермаган бўларди, албатта.

Тумандаги барча умумтаълим мактабларида мусобақалар бўлиб ўтди, турли фанлар ҳамда спорт бўйича ўтказилган беллашувларда иқтидорли ёшлар қатнашдилар. Шу йилнинг февраль ойида «Вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик ва гиёҳвандликка қарши кураш ойлиги» эълон қилиниб, бу борада йигирмага яқин суҳбат ва учрашувлар ўтказилди. Ушбу йиғинларга шифокорлар, мураббийлар, имом хатиблар қатнашишди. Ёшларнинг қизиқишига қараб меҳнат ярмаркалари ўтказилди, айрим ўсмирлар касбга тайёрлаш курсларига жойлаштирилди. Мактаб ўқувчилари турли тўгаракларга жалб этилмоқда. Бундай тадбирларнинг ҳаммаси вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишда самара беради, деб ишонамиз.

**Анвар ХУДОЙҚУЛОВ,**
**Пахтакор тумани Жиноят ишлари бўйича суди раиси.**

*Хат ва чора*

### ОҚСОҚОЛ ОГОҲЛАНТИРИЛДИ, КОТИБ ЭСА...

***Таҳририятга Сурхондарё вилояти Шўрчи туманидаги Жалоир маҳалласи фуқароси Панжи Элмуродовдан, маҳаллада оқсоқол ва унинг котиби фаолиятига оид камчилик ва хатолар қайд этилган шикоят хати келганди. Биз ушбу мактубни туман ҳокимлиги ва туман Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси туман бўлинмасига ўрганиш учун жўнатгандик.***

***Ана шу шикоят хати юзасидан қуйидаги мазмунда жавоб хатини олдик:***

«...Ҳақиқатдан ҳам маҳалла оқсоқолининг маҳалла идорасини таъмирлашдаги, ободонлаштириш ва маданий-маиший соҳадаги ишларида камчиликлар борлиги аниқланди. Оқсоқол томонидан ушбу камчиликларни тез кунларда бартараф этиш чоралари кўрилмаса, маҳалла оқсоқолини қайта сайлаш масаласи кўтарилиши йиғин аъзолари томонидан таъкидланди.

Маҳалла котиби ёпиқ овоз бериш йўли билан қайта сайланиб, овозга қўйилган тўрт нафар номзод орасидан С.Ҳакимов сайланди.»

**Т.МАМАТХОНОВ,**
**Туман ҳокими ўринбосари,**
**Ш.САФАРОВ,**
**Туман Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси туман бўлинмаси раиси.**

*Бугуннинг гапи*

### Болалар саломатлиги давлат ҳимоясида

***Пойтахтимиздаги «Шератон» меҳмонхонасида болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида оила ва маҳалла амалиётини яхшилашга оид уч кунлик кенгаш ўз ишини бошлади. Унда мамлакатимизнинг турли вазирлик, идора, институт, жамғармалари, ЮНИСЕФ, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Тинчлик корпуси каби халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этмоқда.***

Кенгашда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари А.Комилов оналик ва болаликни муҳофазалаш мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимининг устувор йўналишларидан ҳисобланишини таъкидлади. Бу ҳолат қатор давлат ва ҳукумат ҳужжатларида қайд этилган. Президент Ислом Каримов томонидан жамиятда соғлом авлод туғилиши ва тарбияланишини таъминлайдиган асосий йўналишлар белгилаб берилган. Айни пайтда республикамиз аҳолисининг 38,8 фоизини 14 ёшгача бўлган болалар ташкил қилади. Педиатр-шифокорлар, ўрта бўғин тиббиёт ходимлари, мустақил болалар шифохоналари, болалар касалхоналари, тиббиёт муассасалари тармоғи бўлимлари ўсиб келаётган авлод соғлиғини муҳофазалаш ҳамда мустаҳкамлаш билан шуғулланмоқда.

Республика Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастурида ҳам ушбу йўналиш устувор деб белгиланган ҳамда оналар ва болаларга бепул тиббий ёрдам кўрсатилиши тамойили сақлаб қолинган. Республикамиз Соғлиқни сақлаш вазирлиги бошқа вазирликлар ва идоралар билан ҳамкорликда болалар соғлиғини муҳофаза қилиш, мустаҳкамлаш, уларнинг баркамол ўсиши ва ривожланиши учун тиббий-санитария шароитлари яратиш борасида кенг кўламли ҳамда узоқ муддатли тадбирларни амалга ошираётгани эътиборга лойиқдир.

Ҳар бир оилада соғлом фарзанд туғилиши мақсадида тиббиёт идоралари ва муассасалари туғиш ёшидаги аёллар соғлиғини муҳофаза қилиш ҳамда мустаҳкамлашга катта эътибор бермоқда. Чақалоқлар ва ҳомиладор аёллар касалланишини камайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикасида туғруқхоналар тузилмаси ҳамда фаолияти тубдан қайта ташкил этилди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида туғруқхоналар туғишга тайёрлаш, туғиш залари ҳамда она ва бола реабилитацияси бўлимларидан иборат мажмуаларга айлантирилди.

Оналар соғлиғи, оилаларнинг тиббий фаоллиги даражаси ва бошқа омиллар болалар кайфиятига сезиларли таъсир қилади. Республикамизда болалар касалланиши ва ўлимини камайтириш учун биринчи навбатда, уларга тиббий хизмат кўрсатиш тизими такомиллаштирилмоқда. Хусусан, ҳомиладорлик вақтида аёллар ва оилаларга тиббий ёрдам кўрсатиш махсус дастури бўйича педиатрлар томонидан 2 марта патронаж хизмати кўрсатилади.

Шунингдек, кенгашда давлат ва нодавлат ташкилотлари, маҳаллалар, хотин-қизлар қўмиталари ҳамда халқаро ташкилотларнинг биргаликдаги тадбирларини кучайтириш зарурлиги қайд этилди. Бу борада Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Андижон, Фарғона, Навоий ва Сирдарё вилоятларининг лойиҳага - /НОРЕ лойиҳаси, ЗдравПлюс/ киритилган туманларида ЮНИСЕФ, ЮСАИД кўмагида болалар касалликларини интеграциялашган тарзда даволаш дастури амалга оширилляпти. Болалар соғлиғи ва ривожланишини яхшилаш учун уларга оила ва жамоа миқёсидаги эскича қараш ва муносабатларнинг ўзгартирилиши мазкур дастурнинг асосий таркибий қисмларидан бири ҳисобланади.

Мазкур кенгашнинг вазифаси эса Ўзбекистон Республикасида ушбу дастур доирасида аҳоли билан ишлаш, бу борада фаолият олиб борувчи барча ҳамкорларнинг ўзаро ҳамжиҳатликдаги саъй-ҳаракатлари ҳамда стратегия режасини ишлаб чиқишдан иборат.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

*Эҳтиёт шарт*

### ЗАРУР ЧОРАЛАР КЎРИЛМОҚДА

***Шу кунларда қўшни давлатлар аҳолиси ўртасида турли юқумли касалликлар тарқалгани кўпчиликни ташвишга солмоқда. Бу ҳолат, айниқса, чегарадош вилоятларда турли муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.***

Самарқанд вилоятининг Ургут ва Булунғур туманлари Тожикистон Республикаси билан чегарадош. Ушбу ҳудудлар орқали Тожикистондан Зарафшон дарёси оқиб келади. Айни пайтда вилоят божхона ҳамда ветеринария бошқармалари, санитария ва эпидемиология назорат маркази ходимлари юқумли касалликларнинг мамлакатимизга тарқалиши олдини олиш учун бу ҳудудларда тегишли чора-тадбирлар белгилаб, назорат ишлари олиб бормоқда.

Ургут - Тожикистоннинг Панжакент тумани билан чегарадош. Икки давлатни боғлаб турувчи асосий йўлда Жартепа божхона пости ташкил этилган. Бу ерда азалдан аҳоли ўртасида қариндош-уруғчилик, борди-келди алоқалари мавжуд. Кузатув постида божхоначилар ҳамда чегарачилар учун барча шароит яратилган. Ўтиш йўлларида дезбарьерлар, дезйўлаклар қурилган. Санитария-эпидемиология назорат маркази, ветеринария бошқармаси, ўсимликлар карантини инспекцияси ходимлари божхоначиларга яқиндан ёрдам беряпти. Улар республикамизга ташқаридан келаётган фуқароларни текшириш, уларда юқумли касаллик аломатлари сезилганда қайтариш, истеъмол товарларини дезинфекциялаш, зарарсизлантириш ишларини амалга оширмоқда.

Вилоят давлат ветеринария бошқармаси раҳбари М.Исаевнинг айтишича, Ургутда 44 та, Булунғурда 22 та ветеринария пункти мавжуд. Улар малакали мутахассислар билан таъминланган. Аммо ветеринария пунктларини зарур дорилар ҳамда асбоб-ускуналар билан таъминлашда етишмовчиликлар мавжуд. Ҳозирда бундай муаммоларни ҳал этишга жиддий киришилди.

- Зарафшон дарёси Панжакентдан оқиб келади. Шунинг учун у ерда тарқалган эпидемия бизга жиддий хавф туғдиради,- дейди вилоят ДСЭНМ бошлиғи Н.Хўжаев. - Шу боис дарё суви мунтазам текшириб турилибди. Энг муҳими, дарё атрофида яшовчи 30 минг аҳоли эмланди.

**Уйғун РЎЗИЕВ,**
**ЎзА мухбири**

## Шу сонинг

**2-саҳифасида**

* Деҳқонларимиз етиштирган неъматларнинг харидори кўп.
* Саройдаги саховатпеша...
* Никоҳ узуги нима учун тақилади?

**3-саҳифасида**

* Адиблар маҳалла хусусида нималарни айтдилар?
* 82 ёшида сабоқ бераётган муаллим...
* «Жовизони хэрад» нима дегани...

**4-саҳифасида**

* Гафур Ғулом яхшигина хониш қилган экан!
* Умар Хайём майнинг зарари ҳақида ёзган(ми)!?
* Соқчи мушукнинг «саргузашти»...

MAHALLA
Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00123-рақам билан рўйхатга олинган.

Таҳририят манзили:



Тошкент, Буюк Турон кўчаси,41-уй

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.



## Олам турфа

### ДАСТЛАБКИ ВАЗИФА

***Редакцияга келган хатларнинг бирида никоҳ узугини қачондан тақиш русум бўлганлиги ҳақида сўралган.***

«Труд-7» газетасида берилган жавобга кўра никоҳ узугини тақиш одати дастлаб Римда урф бўлган. Бироқ қўлга тақиладиган зийнат аввал бошқа вазифаларни ҳам бажарган. Масалан Месопатамия аҳолиси шахсни тасдиқловчи белги сифатида узук ва занжир тақиб юришган. Узукни катта-кичиклиги ва ундаги ўйилган белгига қараб авл ёки қул кимга қарашли эканлигини ажратиш мумкин бўлган. Давр ўтиши билан насронийлик қоидасига кўра узук никоҳнинг ажралмаслик рамзига айланди, кўзоиз никоҳ узугини православ динига эътиқод қилувчилар ўнг қўлининг тўртинчи бармоғига, католиклар эса чап қўлининг тўртинчи бармоғига тақадилар.

### ИШДАН ҲАЙДАЛГАНИ ЕТМАГАНДАЙ...

***Руминиядаги Дарохай шаҳридаги 27 ёшли полиция ходими Д.Корнел бўлажак рафиқаси билан учрашиш мақсадида қўлида гулдаста билан кетиб бораркан, йўлида учраган пиво хонага бир шўнғиб чиқишни ният қилди.***

У ерда тўйгунича муздак пиводан мириқиб ичди. Сўнг енгилланиб олай деб ҳовлидаги чорроққина тахтадан ясалган хожатхонага кирди-ю у ердан қайтиб чиқмади. Гап шундаки, ҳожатхонанинг тахтадан ясалган поли полиция ходимини кўтара олмай тушиб кетган эди. Ўша ердаги одамлар ёрдамида зўрға чиқариб олинган А.Корнел полиция тизимида ишламайдиган бўлди, бунинг устига пивохона хўжайини ундан бузган жойни янгилаб беришни талаб қилган.

### МИЛИЦИЯ ХОНАСИДАГИ ЎҒИРЛИК

***Брянск областидаги Новозибск район ички ишлар бўлимидаги сейфдан 400 минг рубль йўқолгани ҳаммани ҳайратга солди.***

Кадрлар бўлимида сақланадиган сейфда бир кун илгари милиция ходимларига тарқатиш учун мўлжалланган юқоридаги маблағ қолдирилган бўлиб, эртасига унинг ичида ҳеч вақо йўқ эди. Пул йўқолганлиги нафақат ўша ерда ишловчини, балки бундан хабар топган ҳар қандай кишини таажжубга соларди. Чунки Россиядаги барча ички ишлар бўлими ҳеч қачон одамларсиз бўлмайди. У ерда тун-кун навбатчи милиционерлар бўлишидан ташқари, ички ишлар бўлимининг ходимлари ҳам албатта бўлади. Шундай ҳолатда пулни ким ўғирланганлиги ва бу воқеа кимнинг ёрдамида амалга оширилганлиги жумбоқ бўлиб турибди. Бу эса новозибсклик аҳолининг милиция ходимларини кўрганларида кулиб ўтишларига сабаб бўлмоқда.

# ХАЛҚОБОДНИНГ КЕЛАЖАГИ ПОРЛОҚ

## бунда «Соҳибкор» корхонасининг ҳам ҳиссаси бўлади

***Аслида бу хушхабарни - Тошкент вилояти Янгийўл тумани даги Халқобод қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги «Соҳибкор» ишлаб чиқариш корхонасининг бир неча йиллик танаффусдан сўнг қайта ишга тушаётгани ва бу орқали йиғин ҳудуди обод, аҳолиси янада манфаатдор бўлаётгани ҳақидаги хабарни йиғин раиси Икром Аҳмедов ва бир неча оқсоқоллар номидан битилган мактубдан билдик.***

Мактубда жумладан шундай дейилганди: «Айни кунларда Халқобод халқининг турмуш шароитини, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётини тубдан ўзгартиришга қодир бу воқеа бизни чексиз қувонтирмоқда. Биз ўз қувончимизни сизнинг газетангиз орқали барча юртдошларимиз билан баҳам кўришни истардик...»



Мактуб бизни Халқобод қишлоғи томон чорлади. «Соҳибкор» корхонасида ҳақиқатдан ҳам қайта таъмирлаш ишлари қизғин суръатда экан. Бу корхона очиқ турдаги Ҳиссадорлик жамияти бўлиб, кузатув кенгаши раиси Сайдулла Забихўжаев корхонанинг «қайта туғилиши» тарихини сўзлаб берди:

- Бир пайтлар маҳсулотининг сифати ва ҳажми билан қўшни вилоятларгача довруғ солган корхона 1998 йилдан иқтисодий таназзулга юз тутиб, фаолиятини тўхтатганди. Айни дамда ишлаб чиқаришни тиклаш учун катта маблағ талаб этиларди. Ҳозирги шароитда бир йўла бунча катта маблағни топиш амри маҳол. Ҳамкоримиз «Осиё экспресс» ёпиқ турдаги Ҳиссадорлик жамияти жонимизга оро кирди, яъни - корхонамизни қайта таъмирлаб, ускуналарни янгилаб ишга тушириш учун 350 миллион сўм маблағ ажратди. Аввало, «Ўзмевасабзавот» илмий-текшириш институти мутахассислари билан ҳамкорликда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш лойиҳасини ҳозирладик. Лойиҳа Осиё Тараққиёт ва Тижорат Банки томонидан тасдиқланиб, ҳисоб рақамимизга маблағ тушгач, лойиҳанинг амалдаги ижросига киришдик.



Лойиҳа раҳбари Лазиз Аҳмедов (ўртада) мутахассислар билан маслаҳат қилмоқда.

«Соҳибкор» Ҳиссадорлик жамияти таркибида 25 та фермер хўжалиги бор. Не-не машаққатлар билан етиштирган сабзавот-меваларимиз ўз харидорига тўлиқ етиб бормай, етиб борса ҳам йўлда сифати бузилиб хароб бўлаётган эди. Пешона тери эвазига бунёд этилган неъматни шундай аҳволда кўришдан оғири йўқ деҳқон учун. Мана энди ушбу неъматлар шу ернинг ўзида қайта ишланса, бирваракайига бир нечта муаммо барҳам топади.

- Корхонани шу йилнинг октябрь ойида ишга туширишни мўлжаллаганмиз, - дейди лойиҳа раҳбари Лазиз Аҳмедов. - 5000 тонна мева-сабзавот сақлаш қувватига эга музлатгичимизни таъмирлаш ишларини бошлаб юбордик. 500 тонна сувни сиғдира оладиган ҳовуз битказиляпти. Соатига 12 тоннагача буғ ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган буғхона қурилиши ишларини муддатида топшириш режалаштирилмоқда. Ҳозир чет элда ишлаб чиқарилган асбоб-ускуналар ишга шай турибди. Қурувчиларимиз ишларини тугатгач, чет эллик мутахассислар келиб, ускуналарни ўрнатиб, икки ой давомида ишчиларимизни улардан тўғри фойдаланишга ўргатадилар. Иш уч сменада ташкил этилади. Дастлаб 80-100 та одам билан иш таъминланади. Кейинчалик эса бу ерда 400 га яқин ишчи ишлайдиган бўлади. Аминманки, бу корхонанинг ишга тушиши туманнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига албатта ижобий таъсир кўрсатади. Буни туман мутасаддилари ҳам тўғри англашмоқда. Туман ҳокими Йўлдош Тожибоев ҳам лойиҳа бўйича иш бошлаган кунимизданоқ бизга ҳар томонлама ёрдам бермоқдалар. Шу ўринда бизга ўзининг қимматли маслаҳатлари билан катта ёрдам бераётган Атҳам Баҳриддиновнинг, қурилишда жамоатчилик асосида ишлаётган фидойи инсонларимиздан, ўттиз йиллик қурувчилик тажрибасига эга Аҳат Акромовнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Сир эмас, маҳсулотни четга сотиш юртимиз валюта заҳирасини мустаҳкамлайди. Бизнинг деҳқонларимиз жуда заҳматкаш, ҳар қандай шароитда ҳам мўл ҳосил олишади. Уларнинг бу заҳматлари эвазига манфаатдор бўлишлари ҳам жуда муҳимдир. Бизнинг мева-сабзавотларимизга чет давлатларда, ҳамдўстлик республикаларида эҳтиёж катта. Муаммо шуки, юртимиз неъматларини қайта ишлаш - яъни шу ердан транспорт воситаларида олисга етказиш учун мослаштириш корхоналарининг йўқлиги ёки борларининг ҳам тўлиқ ишламаётганлигидадир. Айнан «Соҳибкор» корхонасига келсак, унинг қайта ишга тушгандан кейинги маҳсулоти - помидор бўтқаси 200 литрли ҳажмдаги махсус идишларда экспорт қилинади. Корхона бир кечаю кундузда 300 тонна помидорни қайта ишлаш қувватига эга бўлади. Бундай қувват билан ишловчи корхона учун хомашё етказиб бериш ҳам осон иш эмас. Қўшни туман ва вилоятлардан келтирилган хомашё маҳсулотнинг таннархини қимматлаштиради. Шунинг учун корхонани қайта таъмирлаш ва ишга тушириш баробарида шу ерда меҳнат қилаётган фермер-деҳқонларимиз билан ҳосилдорликни кўтариш чораларини кўриш юзасидан ҳам тадбирлар белгилаяпмиз. Режамизда помидор бўтқаси - томатдан ташқари мева шарбатлари ва бўтқалари ишлаб чиқариш йўналиши ҳам белгиланган. Айниқса, қовоқ, беҳи бўтқасига, узум шарбатига ҳозирдан буюртма берувчилар бор. Сарфланган харажатлар қоплангач, маҳсулотни ўзимизнинг дўконларда сотиш учун қадоқлашни ташкил қилиш юзасидан алоҳида йўналишда иш бошлаймиз.



Халқобод қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Икром Аҳмедов ҳам бир неча оқсоқоллар ҳамроҳлигида келиб суҳбатимизга қўшилди.

- Йиғинимизда 16000 та фуқаро истиқомат қилади. 7 та маҳалламиз бор, иккита оқсоқолимиз жамоатчилик асосида ишлайди. Шунча аҳоли истиқомат қиладиган ҳудудда бундай корхонанинг қайта тикланиши катта муваффақият десам, асло муболаға бўлмас. Биринчидан, фермер-деҳқонларимиз маҳсулотларини қаерга олиб борсам экан, кимга сотсам экан деб юришмайди. Иккинчидан, қишлоғимиз аҳолиси иш билан таъминланади. Ахир ишсизлик бугунги кунда энг долзарб муаммоларимизданку. Шунинг учун ҳам бу корхонанинг фаолияти тикланаётганидан қишлоғимиз аҳли беҳад мамнун.

Йиғинимиз, унинг таркибидаги маҳаллаларимиз фаолиятига келсак, оқсоқолларимизнинг, посбонлар ва фаолларимизнинг фидойилиги эвазига олдимизга қўйилган вазифаларни тўлиқ уддаламоқдамиз. Албатта, асосий эътиборимиз ёшлар тарбияси, ободонлаштириш ишларига қаратилган. Маданият саройи, спорт мажмуаси, футбол майдони буткул ёшлар ихтиёрида. Турли кўрик-танловларда қатнашиб, туман миқёсида ғолиб ҳам бўлдик. Оқсоқолларимиз менинг энг биринчи маслаҳатчиларим. Барча тадбирларни ҳамжиҳатликда ўтказамиз, муаммоларни ҳам ўзаро келишиб ҳал этамиз. Асосий мақсадимиз халқимизни аҳил-иноқ, Халқободимизни обод, фаровон кўриш.

**Мавлуда ҚОСИМОВА,**
**«Mahalla» мухбири.**

**Суратларда:**
қурувчилар ғайрат-шижоат билан ишламоқдалар.

### "Mahalla" қутлови

***Нуфузли давлат ва жамоат идораларида ишлаб, юртга ҳалол хизмат қилган, эндиликда меҳнати гаштидан баҳраманд яшаётган Омон Ҳатомов Бўстон ака Эргашевни кўриши билан уни самимий табриклади:***

— Устоз, омонмисиз, муборак ёшингиз билан қутлайман. Ҳамиша шундай бардам-бақувват бўлиб юринг.

Сўнг бизга ўгирилиб, мамнунлик билан гапирди. - Бўстон аканинг тавсиялари билан республика миқёсидаги мартабаларга етиб, шу инсоннинг маслаҳати, йўлланмаси билан ҳаётимда энг қутлуғ қадамни қўйганман...

Кўнглим равшан тортиб Бўстон акага ҳавас билан боқаман. Умрида қанчадан-қанча ёшларга йўл кўрсатиб, ўзгалар кўнглини шамдек ёритиб, ўзини аямай яшаб келаётган бу инсонга меҳрим товланади.

Аслида шу инсон Бобурдек, Чўлпондек буюк алломаларни, донишманд сиймоларни, она-Ватан озодлиги йўлида жонини аямай курашган довюрак, шижоатли, инсонларни дунёга берган Андижоннинг Жалолқудуқ туманидаги Қатортол қишлоғида асли бободеҳқон, Достон ота оиласида 1942 йилда таваллуд топди. Одамларга меҳр кўрсатиш унинг юрагида, қонида бор. Қишлоғидаги йирик хўжаликни бошқариб юртни ҳам, эл-улуснинг кўнглини олиб ишлаган отасидан кўпнинг хизматини қилиш нақадар улуғлигини ўрганган Достон Эргашев 40 йилдирки отасининг энг яхши фазилатларини ҳаётда қўллаб келади. Тиришқоқлиги, билимга ташналиги билан Тошкент халқ хўжалиги институтини аъло тамомлаб иқтисодчи бўлиб етишган Бўстон Эргашев мактабда, ҳарбий хизматда ёшларга ўрнак эди. 1966 йилда армиядан тўппа-тўғри Тошкентга келади. Чилонзор тумани ёшлар ташкилотида ишга киришади. Оқил йигитнинг кўпчиликка меҳри, ташкилотчилиги, ташаббускорлиги уни республика нуфузли ёшлар ташкилотида ишлашга йўл очади. Кейинчалик Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг савдо бошқармаси бошлиғи, "Ўзмаишийхизмат" вазирининг биринчи ўринбосари вазифаларида муваффақиятли фаолият кўрсатади.

Адолатли, талабчан ва ҳар қандай ҳолатда вазмин бўла оладиган Бўстон Эргашевнинг Тошкент вилояти халқ назорати, ижтимоий таъминот бошқармалари ва бошқа турли лавозимларда ишлаган вақтларидаги жонбозликларини одамлар ҳамон эслаб юришади.



— 1998 йилда Бўстон Эргашевнинг "Маҳалла" хайрия жамғармаси республика бошқаруви раисининг ўринбосари вазифасига таклиф этилганини эшитиб чин дилдан, астойдил мамнун бўлганмиз, - дейди Тошкент вилояти Оқсоқоллар Кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси бўлими раиси Тўлқин Миркомилов. - Сабаби, бу жойга мансабни эмас, масъулиятни ҳис этадиган, ҳимматли, саховатли ходим зарур эди. Бўстон Эргашев худди шундай сифатга эга. У меҳрибон, ўзгалар муаммосини ўзиникидай қабул қилиб, нажоткор бўла оладиган раҳбар, ота, дўст.

Кўп йиллар вилоятда ишлаб, Бўстон акани синаган киши бу одамнинг баҳоси ҳақиқат эканлигини "Маҳалла" жамғармасида амалга ошираётган яратувчилик фаолиятида яққол кўриш мумкин. Унинг ташаббуси ва раҳбарлигида тадбиркорлик тобора ривожланмоқда. Ҳозирги кунда жамғарма тизимида ва унинг бўлим, бўлинмаларида 67 та кичик ва ўрта корхона ишлаб турибди. Унда 447 киши меҳнат қилмоқда.

Муболағасиз айтиш жоизки, Бўстон Эргашев Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши, "Маҳалла" жамғармасидек ўзини ўзи бошқариш тизимининг шаклланишига, молиявий жиҳатдан мустаҳкам оёққа туришига муносиб ҳисса қўшиб келаётган даргалардан бири.

# КЎПНИНГ НАФИНИ ЎЙЛАБ

Бир маҳаллар турмуш уринишлари сабабли ўқий олмай, илмли фарзандларни орзу қилган Достон отанинг орзулари ростга айланди. Ўғли ва унинг рафиқаси Санталатхон олий маълумотли мутахассис бўлиш билан бирга, зурёдларини ҳам илмли-ҳунарли қилишди.

Тажрибали педагог устоз Санталатхон Эргашева Тошкент шаҳридаги мактабгача тарбия педагогларини ўқитадиган коллежларнинг бирида дарс беради. Қизлари Гулчеҳрахон Шоабдураҳимова олий маълумотли нашриётматбаа мутахассиси, Иродахон Каримова муҳандис, Тошкент шаҳар товар ишлаб чиқарувчилар, тадбиркорлар палатасининг етакчи мутахассиси. Ўғиллари Мансур Эргашев Тошкент молия олийгоҳини имтиёзли шаҳодатнома билан тамомлаб, "Умид" жамғармаси танловида ғолиб чиқди ва Англияда магистратурани муваффақиятли тамомлаб қайтди.

Олтмиш ёш инсоннинг ақл-заковати, тажрибаси камол топиб, янада самаралироқ фаолият кўрсатиш фаслидир. Бўстон Достоновичга кўп йиллар сиҳат-саломат ҳалол ва барокатли умрининг бардавом бўлишини истаб қоламиз.

**Расул РАҲМОНОВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.**

### Маҳаллага гузар ярашади



***Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманининг Какайда қишлоғида янги маҳалла гузари ишга туширилди.Бу ерда барча маиший хизмат шахобчалари, шунингдек, новвойхона ва чойхона аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Гузарни тадбиркор ака-ука Аҳад ва Неъмат Омоновлар ўз ҳисобидан қуриб маҳалла ихтиёрига топширишди.***

### Соғлиқ гарови

# ОЗОДАЛИК ЎЗИМИЗГА КЕРАК

## ёки Сингапур озодалиги бизга ҳавас бўлиб қолаверадими?

***Шаҳримизда жуда кўплаб ошхоналар фаолият кўрсатади. Бу албатта яхши. Аммо улар қанақа жойлашган? Ҳаммаси ҳам санитария ҳолатларига жавоб берадиган жойларда жойлашганмикан?***

Мирзо Улуғбек тумани Аҳмад Югнакий мавзеси Тошкент трактор заводи қаршисида бир қатор ошхоналар жойлашганки, улар шундоқ катта йўлнинг ёқасида, баъзиларининг атрофи ўралмаган, пиёдалар учун мўлжалланган тор йўлакда (йўлак бўлганда ҳам ўйдим-чуқурликдан иборат) ҳар хил овқатлар пиширилади. Очиқ ошхонанинг нақ ёнида қурилиш кетаётган бўлса-да бемалол ишламоқда. Шу ердаги гулзор қўпорилиб ўрнига дўкон қурилиши бошланган.

Мавзенинг «диққатга сазовор» жойларидан яна бири замонвий усулда қурилган ахлатхона. Ахлатхонанинг қўланса ҳиди тонгги салқинда етти маҳаллани тутиб кетади.

Собиқ «Тошфуқароқурилишсаноат» биноси билан 50-уй ўртасида кичкина кўча бор. Кўча охирида шундоқ ахлатхона кўриниб туради. Бу кўчадан юриш айрим одамлардан ғайритабиий куч талаб қилса керакки, улар чиқиндиларни ахлатхонагача олиб бормасдан кўчанинг ўзига тўкиб қўя қолишади.

«Буюк ипак йўли» кўчасида иккита ер ости йўли бор. Шулардан бири Тошкент трактор заводи олдида жойлашган. Ишчиларга қулайлик яратиш учун қурилган бўлса керак. Ер ости йўлига тушиб кўрсангиз, «бу ер ости йўлимикан ёки...» Йўқ, шубҳалар ўринсиз. Бу айнан ер ости йўли. Аммо, бу йўл баъзи бир нинсоф ўтувчилар учун бошқа жой... вазифасини ўтамоқда.

Сингапур деган мафтункор юрт ҳақида жуда кўп эшитганмиз. Мени ҳайратга соладиган нарса у ердаги тозалик учун кураш. Асфальтга тупурган киши жарима тўлар экан.

Биздачи? Асфальтга нафақат тупуриш мумкин, балки...

Мирзо Улуғбек туманидаги «Гербафарм-С» хусусий тадбиркорлик фирмасининг бошлиғи С.Искандаров шундай дейди:

- Фирмамизнинг ўрни илгари ахлатхона бўлиб ётарди. Биров келиб қизиққанини кўрганим йўқ. Фирма ишга тушди-ю ҳовлидаги арзимаган қоғоз парчаси учун ҳам санэпедстанция назоратчилари фалон минг қилиб жарима ёзадиган бўлдилар. Улар ҳамма жойда ҳам шунақа жонбозлик кўрсатиб ишласалар эди.

Қарс икки қўлдан чиқади, деган гап бор. Кўчаларимизнинг тоза-озодалиги учун маҳалла аҳли ҳам эътиборли бўлишлари керак. Болалар билан етаклашиб юрганда қўлимиздаги егулик қолдиқлари ва ҳоказоларни дуч келган жойга улоқтирмасдан махсус қутиларга ташласак улар ҳам биздан намуна оладилар.

**Инобат НОДИРШОҲ қизи.**

### Эл корига яраётганлар

# ФЕРМЕР МАҲАЛЛА ТАШВИШИДА

***Сурхондарё вилояти Бойсун туманидаги Сарой маҳалласида кейинги йилларда ободонлаштириш, кам таъминланган оилаларни, боқувчисиз кексаларни моддий қўллаб-қувватлаш йўналишида кўп ибратли ишлар қилинди.***

Айни дамда маҳалланинг қишда лой, ёзда чанг-тупроқ бўлиб ётадиган ички йўллари таъмирланмоқда. Бу ишларга маҳалладаги «Сарой» фермер хўжалиги раҳбари Норбой Раҳмоновнинг моддий қўллаб-қувватлаши асқотмоқда. Айниқса унинг саховати туфайли кўчалар текис ва ораста ҳолатга келмоқда. Бундан ташқари фермер хўжалиги маҳалладаги 8 нафар кам таъминланган оилани доимий қаромоғига олган. Уларга вақти-вақти билан озиқ-овқат маҳсулотлари ва моддий ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Бу йилги ғалла ҳосилидан ҳар бир оилага 1 центнердан ғалла улашилди. Бундай саховатли ишларни амалга оширишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун аввало, фермер хўжалигининг фаолияти яхши йўлга қўйилган, ҳосил мўл, даромад катта бўлиши керак. Чунки биринчи навбатда хўжаликнинг техника воситаларини талаб даражасида тутиш, деҳқонларга ойлик маош бериш, ҳар бир пудратчи оиланинг фаровонлигини таъминлаш лозим бўлади. Хўжаликнинг маҳалла аҳлига ҳам мурувват, саховат намунасини кўрсатишга қудрати етибдими, демак, унинг фаолияти яхши йўлга қўйилган.

Хўжаликнинг иқтисодий салоҳияти мустаҳкам бўлишида Норбой аканинг ҳисобчи сифатидаги кўп йиллик тажрибаси қўл келмоқда. Қарийб йигирма йил давомида ушбу соҳада ишлаган Норбой ака фермер хўжаликнинг ишларини яхши йўлга қўйишга, ҳосилдорликни ошириш, деҳқонларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш учун бутун куч-ғайратини сарфламоқда. Албатта, бу саъй-ҳаракатлар ўзининг мевасини бермоқда. Хўжалик 1997 йилда ташкил этилган, 150 гектар ери бор. Бу ерда жами 38 киши меҳнат қилади. Улар оилавий пудрат асосида звеноларга бўлинишган. Бу йил 100 гектар ерга ғалла, 50 гектарига пахта экилган. Ғалладан 45 центнердан ҳосил кўтардилар. 300 тонна ғалла давлатга топширилди. 90 тоннаси деҳқонларга иш ҳақи ҳисобидан берилди. Хўжаликда ўртача иш ҳақи 20000 сўмни ташкил этмоқда. Арслон Қобилов, Холназар Турдиев, Худойберди Аллаев каби заҳматкаш деҳқонларнинг ғайрат-шижоати туфайли хўжалик ўтган йил якунига кўра 45 миллион сўм даромад кўрганди. Даромадга қараб буромад деганларидек, хўжалик бу ердаги маҳалла фаолияти, фаровонлиги учун ҳам улуғ қўшмоқда.

- Маҳалламизнинг ободлиги ўзимизнинг обрўйимиз, - дейди Норбой ака. - Шунинг учун нега мен қилишим керак деган фикрга бормай, ҳар ким ўз имкони, ҳиммати доирасида бу ишга ҳисса қўшиши керак. Норбой аканинг байрам тадбирларида, бошқа хайрли ишларда маҳаллага қайишаётгани, маҳалла аҳлининг, нуроний кексаларининг дуосини олаётгани қувончли ҳол. Зеро, элнинг дуоси энг олий мукофотдир.

**Омон ШУКУРОВ,**
**«Mahalla» мухбири.**

**2002 йил юмушлари**

# АДИБЛАР «МАҲАЛЛА» ЭЪЗОЗИ-

***Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан уюштирилган кекса адибларни эъзозлаш тадбири бўлиб ўтди.***

- Қарияларни қадрлаш йили калимасини тилга олар эканман, ўзбекона лутф, миллатимизга хос юксак инсоний, умумбашарий шарқона фазилат тафаккуримда уйғонади. Ўзбек халқининг ўзига хос қиёфасини теран англаган йўлбошчимиз Ислом Каримовнинг халқимизнинг бой тарихига, маданиятига, миллий қадриятларига, беназр анъаналарига бўлган чексиз-чегарасиз муҳаббати, унинг янада равнақ топиши йўлидаги саъй-ҳаракати кўз ўнгимга келади. Ота-онани, устозни, ёши катта инсонларни эъзозлаш ўзбек халқимизнинг қонида бор. Ўз навбатида, инсон учун кексайган чоғида фарзандлари, қариндош-уруғлари, ёр-дўстлари, ҳамкасблари жамоаси меҳридан баҳраманд бўлиш, ҳурмат-эҳтиром кўришдан, баҳоли қудрат қилган меҳнати эътирофини эшитишдан улуғроқ бахт бўлмас.

Бунинг устига юрт карвонбошисининг тарихда биринчи бор кексаларни йил давомида, истиқболда эъзозлаш анъанасини юксак даражада ва эзгу амаллар билан бойитиб бардавом этиши нур устига аъло нурдир, - деди давра суҳбатини давом эттирган Ўзбекистон Халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов, - ушбу ёзувчилар, шоирлар, адабиётшунослар билан Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси фаолларининг учрашуви айни муддао, зарур ва фойдали, Қариялар йили моҳиятига мос тадбирдир.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасини ижодкорларнинг катта маҳалласи, деса бўлади. Ёзувчи, шоирлар борки қадимдан маҳалла билан қадрдонлар. Ўз қаҳрамонларини маҳалладан олиб, маҳалла аҳлига тақдим этадилар, шеърхонликлар ўтказадилар.

Маҳалла ўзбек халқ оғзаки адабиёти намуналаридан тортиб, ёзма асарларида ҳам ўз аксини топган. «Тоҳир ва Зуҳра» ўзбек халқ достонида Тоҳир «Сандиқчилар маҳалласи»дан паноҳ изласа, Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар»ида, Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романида маҳалла аҳли ижтимоий ҳаётнинг таҳликали дамларида адолатли куч янглиғ майдонга чиқади. «Бой ила хизматчи» пьесасида ўзига бино қўйган бой ҳам элликбошисиз муаммосига ечим топа олмайди. Бундай маҳалла ва адабиёт ҳамкорлигини кўрсатувчи ижод намуналарини кўплаб санаш мумкин. Абдулла Қаҳҳор билан Шуҳрат Аббосов яратган «Маҳаллада дув-дув гап» кинофильми турмуш тарзимизнинг, тарихимизнинг бир ёрқин саҳифаси сифатида ҳамон яшаб келмоқда.

Гапнинг очиғи, Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасига, унинг бошқарувига бугунги ажойиб учрашувни ташкил этгани учун ташаккур айтиш билан, ушбу тадбирни биз ижодкорлар ўзимизга маҳалла мавзусини ёритишга даъват, деб қабул этишимиз, маҳалла жамоатчилари олдида янги, турли жанрлардаги асарларга қарздор эканлигимизни тан олишимиз даркор.

Кези келганда, айтиш жоизки, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда барча вилоятларда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси бўлимларида ҳам шундай учрашувларни ўтказиш долзарблигини белгилаб олиш зарур.

Адибларимизга, айниқса фахрий ижодкорларимизга кўрсатилган эъзоз учун, моддий рағбат учун яна бир бор ташаккур.



*Кексалик гаштини ва шаштини сураётган адибларимиз МИРМУҲСИН ва Саид АҲМАДлар изидан Неъмат АМИНОВ ҳам бу сурур завқини ҳис этмоқда.*

Давра суҳбатида сўзга чиққан Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви раиси Аъзамжон Гадойбоев маҳаллани, маҳалла аҳли ва фаолларини ўз асарларида минг йиллар оша тасвирлаб, унинг обрў-эътиборини, нуфузини кўтариб келаётган ижодкорларга, хусусан кекса ижодкорларга ўз миннатдорчилигини билдирди. Маҳалла фаолиятини такомиллаштиришда, ободонлаштиришда Алишер Навоий бобомиздан тортиб ҳозиргача оқсоқол, фаол сифатида бевосита қатнашиб келаётган адибларимиздан эл-улус жуда миннатдор эканлигини уқтириб ўтди. Ҳиротга қадам ранжида қилган сайёҳ, «Вақия» номли асарида ўзи ёзган «Марғани» маҳалласида қилинган ишларининг гувоҳи бўлади. Инжил ариғини қаздириб сув келтирган Алишер Навоий ҳурмати маҳаллада Ҳусайн Бойқаро, Абдураҳмон Жомий ва бошқа табаррук сиймолар меҳмон бўлганлар ва ажойиб суҳбатлар қурганлар. Марғани маҳалласини ғазал мулкининг султони Ҳирот шаҳрининг энг гўзал бир мавзесига айлантирган, кўпгина асарларини ҳам шу маҳаллада ёзган. Маҳаллага, қўшниларига бўлган ҳурматидан, шу маҳаллада яшаган шоирлар Дўстмуҳаммад ва Ҳасаналиларнинг номини «Мажолисун-нафоис» тазкирасига киритган.

Ҳозирги кунимизда ҳам бу ажойиб анъанага содиқ қолган замондошларимиздан Муроджон Мансуров, Шотурсун Ғуломов, Тўлан Қўзибоев, Расул Раҳмонов, Тўлқин Алимов сингари ёзувчи, шоир ва публицистларимиз маҳалла оқсоқоли сифатида янги адолатли фуқаролик жамиятини қуришда ўзларининг ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.



*- Ер билан ишлаш бу ҳажвия ёзиш эмас, укам, Анваржон!*
*- Сиз кўрсатсангиз, буни ҳам эплаймиз-да, Одил ака!*
*Суратда: севимли ёзувчиларимиз Одил Ёқубов ва Анвар Обиджон.*

Истиқлол шарофати билан маҳаллаларда Ўзбекистон адиблари ёрдами ва ҳамкорлигида ўтказилаётган учрашувларимиз, турли мавзулардаги давра суҳбатларимиз, адабий кечаларимиз маънавий, маърифий, тарбиявий ишларимизнинг янада таъсирли, самарали бўлишини таъминланмоқда. Ушбу фойдали ҳамкорликни мустаҳкамлаш билан, маҳаллалар ва уларнинг жонкуярлари ҳақида янги асарлар кутиб қоламиз.



**Инсонларни эъзозлаш халқимизнинг қонида бор, - дейди Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла ОРИПОВ.**

Ўзбекистон Халқ ёзувчиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Саид Аҳмад:

- Сўзи сўз, баҳоси баҳо бўлган маҳаллани Президентимиз ўзининг алоҳида назари билан тағин ҳам табаррук мартабага кўтарган йилда адибларни, айниқса меҳрга ташна оқсоқол ижодкорларни эъзозлаб, ардоқлаб, йўқлаши алоҳида эътибор касб этади. Тўғри баҳони халқ беради. Маҳалла бу халқ, ҳақчил бирламчи бошқарув идораси. Биз ёзувчиларнинг меҳнатини, асарларини қалбга жо қилиб, сийлаб, меҳр-оқибат кўрсатиб келиб, суҳбатимизни олишга жазм этганларнинг отасига раҳмат. Биз бундан буён ҳам маҳалланинг, демакки халқимизнинг хизматига тайёрмиз, ҳамма эзгу ишларида камарбастамиз. Келинг дўстлар, азизлар ҳа деб ўз ташвишларимиз билан ўралашиб қолмай, халқ орасига, маҳаллага чиқайлик, азиз онларни қадрлаб, кўпчиликка хизмат қилайлик.

Давра суҳбати атоқли, эл ардоғидаги ижодкорларимиздан ўзининг жуда кўп қўшиқ ва ғазаллари билан машҳур Жуманиёз Жабборов, Омон Матчон, Ҳалима Худойбердиева, Нормурод Нарзуллаев каби шоирларимизнинг мушоирасига айланиб, бадиий адабиётимизнинг қадрига етадиган маҳалладошлари қалбига завқ-шавқ бағишлади. Собир Раҳимов тумани Мирза Ғолиб номидаги маҳалла фаоли, элшунос олим Билол Аминовнинг набиралари Ҳуморахон ҳамда Миразизжонларнинг ижросидаги пурҳикмат ақл дурдоналари дастаси йиғилган зиёлиларда катта таассурот қолдирди. Хушовоз хонанда ва созандаларнинг ажойиб куй, қўшиқ, ашулалари даврани қизиқтириб, файз бағишлаб турди.

Машҳур севимли шоир Нормурод Нарзуллаевнинг «Маҳалла мадҳияси» шеъри, қўшиқ танловини ўтказиш ҳақидаги таклифи бир овоздан маъқулланди. «Mahalla» газетаси ушбу ташаббуснинг маърифий минбари деб эълон қилинди.

Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг ҳамкорлигини давом эттириш, бундай тадбирларни маҳаллалар гузарларида ўтказишга келишилди.

**Муҳаммад РАСУЛ.**

# «СИЗНИ ТАНИДИМ, МУАЛЛИМ!»

*** Қайнонам ва турмуш ўртоғим маҳалла оқсоқоли эди.**
*** Бувамнинг меҳмонлари Фурқат ва Муқимий бўларди.**
*** Биринчи паранжи ташлаган аёлга келин бўлдим.**

***Шарифахон ая Саидқосимова билан суҳбатлашганим сари у кишига нисбатан ҳайратим ошиб борарди. 82 ёшли бу онахон кичик жуссали ва жуда ҳаракатчан экан. Айниқса, адабий тилда тутилмасдан, бир сўзни қайта такрорламасдан бийрон сўзлашлари...***

- 63 йил ўқитувчилик қилдим, ўзбек тили ва адабиёти фанидан дарс бердим. Агар мана шу опангиз тўрт ой бурун холи жонимга қўймай ишдан бўшатиб олмаганда, ҳозир ҳам ишлаётган бўлардим, - у киши қизлари Шоира опага ишора қилдилар. Мен ҳам у кишига савол назари билан қарадим.

- Бир кун уйларига келсам, кўргазмали қурол чизиб ўтирибдилар. Нима қиласиз буни десам, кейинги ҳафтада «Очиқ дарс» ўтказишим керак, шунга тайёрлаяпман, дейдилар! Ўзим ҳам ўқитувчиман, бу касбнинг машаққатини яхши биламан. Шундан кейин онамларни ишдан бўшатиш пайига тушдим. Очиқ дарслари ўтгандан кейин, баҳор эмасми, бироз шамоллаб бетоб бўлиб қолдилар. Пайтдан фойдаландим. Бир амаллаб ўзларига ариза ёздирдим-да, мактаб директорига олиб бориб бердим. У киши ҳам роса хафа бўлди: «Шу ёшда ҳам ёшлардек ишлаётган эдилар, ҳаммага ўрнак эдилар, бекор қиляпсизлар» деди. Онамнинг қандай ишлашларини ўзимиз ҳам биламиз, тўғриси, одамларнинг «Саксонга чиққан онасини ишлатиб қўйишибди» деган гапларидан уялдик.

- Бувам - Усмонхўжа эшон деган одам, мингбоши ўтганлар. Жуда саводли, тараққийпарвар киши бўлганлар, - ҳикоя қиладилар Шарифа ая. - Аниқ билганим, бувамнинг уйларида Фурқат ва Муқимий 2 йил муддат яшаган эканлар. Бувамнинг меҳмондўстлиги, саховатига бағишлов ҳам ёзганлар. Унинг бир қисми ҳамон ёдимда:

Ки Усмонхўжаи эшон,
Бу давлатингга салланно
Қуриб дарвозаи катта,
Ани устида манзирча,
Қўлида яхши танбурча
Ғазалхонингга салланно,
Хушал холингга салланно...

Отам Саидқосимхўжа ҳам ёшлигида бир неча йил Россия томонларда ўқиб, савод чиқарган. У кишини Амир Олимхон саройга чорлаб, хизматга олган. Хизматлари эвазига амир отамга кимхоб тўн кийдирган. Ўша даврда бу юксак унвон ҳисобланган. Ўша тўнни ҳали ҳам сақлаб қўйибман. Катта нарх қўйган харидорларга ҳам сотмадим. Набираларим уйланганда кийишади, набира-куёвларимнинг елкасига ташлаймиз. Хуллас, отам ўз замонасининг зиёли кишиларидан бўлгани учун фарзандларининг савод чиқаришига катта аҳамият берганлар. Қиз бола бўлсам ҳам акаларим билан баробар билим олганман. 1938 йилда 17 ёшимда педагогика институтига ўқишга кирдим. 4 йиллик ўқув курсини 2 йилда тамомладим. Ўқишга акамлар билан бориб-келардим. Себзор даҳасидаги ҳозирги 22-мактаб 40-йилларда «Эрлар мактаби» деб аталарди. Уйимизга яқин бўлгани учун меҳнат фаолиятимни шу ерда бошлаганман. Энг биринчи паранжи ташлаган аёл Тожихон Шодиева хонадонига келин бўлдим. Бунинг устига қайнонам энг биринчи аёл оқсоқол яъни маҳалла раиси ҳам бўлганлар. Турмуш ўртоғим Турсунхўжа Шодихўжаев 1939 - 1947 йилларда ҳарбий хизматда бўлиб, Иккинчи жаҳон урушида қатнашиб, эсон-омон қайтдилар. Қайтган дамларидан бошлабоқ Ҳовузбўйи, ҳозирги Шайхонтоҳур туманидаги Шарқ гули маҳалласига оқсоқоллик қилдилар. Тошкент зилзиласидан сўнг ҳозирги Ҳамза маҳалласи ташкил топди. У киши вафот этгунларича, яъни 1996 йилгача бу маҳаллага оқсоқоллик қилдилар.



**Суратда: Шарифа ая сабоқ пайтида. 1976 йил.**

Бутун фаолиятим давомида бир неча мактабларда ишладим. Ҳатто Ачаобод маҳалласидаги мактабда ҳам бир неча йил ишлаганман. Бу маҳаллада асосан лўлилар истиқомат қилгани учун, мактаб ўқувчилари ҳам лўли болалардан иборат эди. Кўпчилик ўқитувчи муаллимлар бу мактабда ишлашга рози бўлавермасдилар. Мен бир неча йиллар давомида лўли болаларни ўқитдим, уларда менинг фанимга катта қизиқиш борлиги туфайли бундай мактабда ишлашни ўзимга ор деб билган эмасман. Яқинда автобус бекатида турсам, ёши элликларга борган бир лўли киши менга яқинлашиб:

- Сиз мактабга муаллимми? - деб сўради.

- Ҳа, - дедим.

- Сиз менинг ёдимгасиз, сиз мени ўқитгансиз? - деди. У мактаб йиллардаги воқеаларни эслаб, менга ўзини эслатмоқчи бўлди. Оиласи, ҳаёти ҳақида гапирди. Мен албатта собиқ ўқувчимнинг исми-шарифини ҳам, ўзини ҳам эслолмадим. Шундай бўлса ҳам ўша дамда тақдиримда шу касб кишиси бўлиш бор бўлганидан жуда шод бўлдим. Бундан ташқари ҳозирги кунда элга танилган олимлар, шоиру ёзувчилар, ҳаттоки академиклар орасида менинг ўқувчиларим борлигидан беҳад фахрланиб юраман.

- Дарҳақиқат, тақдирингиз жуда ажойиб кечган экан, - дедим беихтиёр.

- Кўпнинг қаторида яшадик, меҳнат қилдик. Касбим давомчилари бор - икки қизим ўзимга касбдош. Фарзандларим, қолаверса ҳукуматимизнинг қарияларга кўрсатаётган ғамхўрликлари туфайли қарилик гаштини суриб юрибман, шунинг ўзи катта давлат мен учун.

Шарифахон ая юртимизда энг биринчи Халқ маорифи аълочиси унвонини олган аёл. Онахон бу унвонга 1946 йилдаёқ сазовор бўлган. Мустақиллик йилларида эса Халқ таълими фидойиси, Меҳнат фахрийси, «Шуҳрат» (1994 йил) медаллари билан тақдирланган. У киши ҳали тетик ва бардам. Кайфияти ва шижоати шу даражадаки, ҳозир ҳам фарзандлари рухсат берсаю, жонажон касби оғушига - ўқувчилари ҳузурига юриб эмас, учиб борса, дарс ўтишни бошласа...

**Мавлуда ҚОСИМОВА.**

# «БОҒИШАМОЛ»ДА ДИЙДОРЛАШУВ

***Қарияларни қадрлаш йилида Жиззах вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан узоқ йиллар вилоят халқ хўжалигининг турли соҳаларида фидокорона меҳнат қилиб, эндиликда нуронийлик гаштини сураётган қарияларни бир пиёла чой устида дийдорлашувга таклиф этиб, уларга яна бир карра иззат-ҳурмат, эътибор кўрсатилди. Тадбир вилоят марказидаги сўлим гўша - «Боғишамол» мажмуида бўлиб ўтди.***

Вилоят касаба уюшмалари бошқаруви тизимида кўп йиллар самарали ишлаган Ислом Хушев, Хонтўра Абдуллаев, Алмамат Самандаров, Сафар Маллаев, Анвар Омонов, Маъдулла Қаршибоев вилоят спорти, маданияти, автотранспорти соҳаларини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган Эркабой Исломов, Абдумурод Султонов, Абдураззоқ Тошпўлатов, Ўктам Одилов, Мавжуда Раҳмонова, Марат Аббосов, Рустам Ибрагимовлар номи алоҳида фахр ва ифтихор билан тилга олиб ўтилди.

- Бу тадбирнинг ўзига хослиги шундаки, дийдорлашув кексалар руҳини кўтарибгина қолмай, ёшлар тарбиясига ҳам ижобий таъсир кўрсатади, - дейди касаба уюшма фахрийси Лена Худойқулова, - ушбу тадбир вилоят ҳокимлигининг қарияларга кўрсатаётган яна бир иззат-ҳурмати, эҳтиромидан далолат.

Дийдорлашув тадбирида Жиззах вилояти ҳокими У.Яманқулов иштирок этиб, сўзга чиқди. Қарияларга вилоят ҳокимлиги ҳамда меҳнат жамоаларининг қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Бундай тадбирни халқ хўжалигининг ҳар бир тармоғи фахрийлари билан йил давомида ўтказишга келишиб олинди.

Кеча иштирокчилари республикада хизмат кўрсатган артистлар Фахриддин Умаров, Бахтиёр Ихтиёров ва бошқа атоқли санъаткорларнинг чиқишини завқ-шавқ билан томоша қилдилар.

**Абдуманноп АЗИМОВ, журналист.**

**Ўтмиш дурдоналари**

## Ибн Мискавейҳ

# «Жовизони хэрад»

## («Умри боқий ҳикмат»)

### Муаллиф ва унинг мазкур асари ҳақида

Ибн Мискавейҳ ўз даврида кучли фалсафаси билан ном қозонган. Кўҳна Шарқда Ибн Мискавейҳгача бўлган даврда ал-Фаробий кўпчиликка маълум ва машҳур эди. «Муаллими соний» номи билан танилган Фаробий фалсафаси назарий бўлиб, у мантиқ ва илоҳиётни кўпроқ ифодаларди.

Ибн Мискавейҳ эса ахлоқ фалсафаси билан машғул бўлди. Бу соҳада бир қатор асарлар яратди. Кўпгина олимларнинг фикрича, ахлоқий фалсафа борасида у Арастудан кейин «муаллими солис» - яъни учинчи муаллим сифатида тилга олинарди.

Ибн Мискавейҳ ўзининг «Саодат» ва «Таҳзибул ахлоқ» асарларида ахлоқ масалаларини асосий мавзулар қаторига қўйиб, унинг ҳам назарий, ҳам амалий тарафларини асослаб берди.

Ибн Мискавейҳ фақатгина ахлоқ масалалари билангина чегараланиб қолмади. Метафизика, мантиқ соҳаларида ҳам асарлар яратди. Унинг диний мавзуларга оид китоблари замондошлари қўлидан тушмасди. «Ал-адвия ал-муфрада» - «оддий дорилар» асари эса тиббий асардир.

Ибн Мискавейҳнинг ҳаёт йўли анча мураккаб бўлганлиги сабабли, бу хусусдаги маълумотлар ҳам тарқоқ ва зиддиятга тўла.

Унинг отаси барвақт вафот этган. Онаси эса ўғлининг норозилигига қарамасдан ўзидан ёш бир йигитга турмушга чиққан. Албатта, бу воқеа ёш Мискавейҳнинг иззатнафсига қаттиқ теккан ва унинг бутун ҳаётида ўз таъсирини қолдирган.

Ибн Мискавейҳнинг туғилган йили номаълум, лекин шарқ ва ғарб олимлари тарихий маълумотларни таҳлил қилиб, уни тахминан ҳижрий 325, мелодий 934 йилда туғилган деган хулосага келишган. Унинг ҳаёт йўлидаги воқеалар ривожи бу сананинг тўғрилигини тасдиқлайди.

Унинг тўлиқ исми Аҳмад бин Муҳаммад бин Яъқуб ибн Мискавейҳ, туғилган жойи Эроннинг Рэй (ҳозирги Теҳрон) шаҳридир. Йирик файласуф ал-Омирий ҳам Рэй шаҳрида беш йил яшаб, мударрислик қилиб шуҳрат қозонган, лекин Ибн Мискавейҳ шу одамнинг ҳузурига бирор марта ҳам келмаган. Ёки унинг замондоши - йирик мантиқшунос олим Абу Сулаймой ал-Мантиқий билан бир шаҳарда йиллар давомида яшаб, у билан бирор марта учрашишга ҳаракат қилмаган. Унинг асосий устози китоблар бўлган. Аслида ўзи ҳам китоб сақловчи бўлиб ишлаган. Ибн Мискавейҳ узоқ умр кўрди. У 96 ёшида Исфаҳонда вафот этди.

«Жовизони хэрад» - («Умри боқий ҳикмат») асари устида гап борар экан, унинг Ибн Мискавейҳ қаламига мансуб эканлиги борасида ҳеч қандай шубҳа йўқ. «Таҳзибул ахлоқ» асарида муаллиф мазкур китоб ҳақида кўп бор гапириб ўтади. Ундан ташқари, қайси бир қўлёзма асарни олиб кўрсангиз, ҳаммасида унинг муаллифи Ибн Мискавейҳ эканлиги қайд қилинади.

Ривоятларга қараганда бу китобнинг илк нусхаси қадимги Эрон подшоҳининг ўзидан кейингиларга бўлган васияти деб эътироф қилинади. Уни Эрон шаҳри подшосининг вазири Канжур ибн Исфандиёр қадимги тилдан форс тилига ўгирган, форс тилидан араб тилига уни ал-Ҳасан ибн Саҳл таржима қилган. Аҳмад бин Муҳаммад ибн Мискавейҳ эса форс, ҳинд,араб ва румликларнинг ҳикматларини қўшиб, камолотга етказиб, уни асар даражасига етказиб тугатган.

Ҳар ҳолда, бу асарнинг аслини Сосонийлар даврининг охирги асридаги адабий, ахлоқий халқ рисолалари орасидан қидириш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Бу рисолалар тўплами «Панднома» деб аталган ва унда келиб чиқишлари аниқ ва ноаниқ бўлган кўпгина шахсларнинг ҳикмат ва насиҳатлари жамланган.

Бу асардан ташқари яна бир неча асарлар ҳам борки, уларни ҳам «Жовизони хэрад»нинг асли деб юритиш эҳтимоллари йўқ эмас. Умуман бу асарнинг асли келиб чиқиши масаласи ниҳоятда мураккаб. Шунга қарамай, биз, унинг форс тилидаги нусхасини асл қилиб оладиган бўлсак, унда бу асар Сосонийлар даврининг охирги асрида, яъни мелоднинг олтинчи асрида яратилган бўлиб чиқади.

### «УМРИ БОҚИЙ ҲИКМАТ» АСАРИДАН

*Унга дедилар: «Оқил одам бу дунёдан насибаси узилиб, вақти-соати яқинлашганда ўлимни қийинлаштирадиган ишлардан нари бўлиб, ўлимни осонлаштирадиган амалларга яқин бўлиши керак», - дедингиз, шуни шарҳлаб берсангиз!*

*Ўлимни қийинлаштирадиганлар шаҳватга берилиш, ҳавасий ишларга мағлуб бўлишдирки, булардан манфаат бўлмайди. Осонлаштирадигани амали солиҳларини, ўлим соатида фақат яқинлари ва солиҳ амаллари инсонга мадад бериш.*

*Унга дедилар: эшитдикки, сиз уч нарса бир одамда мукаммал бўлмайди дегансиз, улар нима экан?*

*Деди: Ҳақиқат, ақл ва маърифат.*

*Яна дегансизки, тўрт нарсани оқил одам ҳеч қачон ёдидан чиқармаслиги керак, улар нима?*

*Деди: Ҳа, айтаман, сизлар ҳам ғофил бўлманг: дунёнинг фонийлиги, шунга эътибор қилиш, унинг ҳодисаларига ҳозир бўлиш ва офатлардан омонлик йўқлигини билиш.*

*Унга дедилар: гапингизни эшитдик: «кимки тўрт нарсага йўл қўймаса ўзига дўстдир, агар йўл қўйса душмандир», - улар нималар? Шуларни билмоқчимиз.*

*Деди: шошқалоқлик, ўзига муҳаббат қўйиш, қайсарлик ва сусткашлик: шошқалоқлик самараси надоматдир; ўзига муҳаббат қўйишнинг меваси нафратдир; қайсарлик самараси ҳайрат ва ҳалокатдир; сусткашликнинг самараси эса қашшоқликдир.*

*Ният қилса қалбида бунга ихлоси бўлса, албатта барчага манфаати тегади.*

***(Давоми келгуси сонда)***

**Кириш сўзи муаллифи ва таржимон Маҳмудхўжа НУРИДДИНОВ.**

*Саналар синоати*

## ПАЛИНДРОМ ЙИЛЛАР

Азиз муштарий! Сизни палиндром билан табриклаймиз!

"Палиндром" ўзи нима деб ҳайрон бўлгандирсиз? Қуйидаги материалимизни диққат билан ўқисангиз, билиб оласиз.

### НОЁБ ДАВР

Биз ноёб даврда яшаяпмиз. Нима учун дейсизми?

2002 йил - 365 кун давом этадиган байрам. Негаки, давом этаётган йилни ифодаловчи сонлар чапдан ўнгга ва ўнгдан чапга бир хилда ўқилади.

Ўзимиз ҳақимизда "Биз ноёбмиз" дейишимиз учун нафақат янги аср ва янги минг йиллик бошланишига гувоҳ бўлганимиз, балки кетма-кет ажойиб икки палиндром йил: 1991 ва 2002 йилни бошдан кечирганимиз ҳам асос бўла олади.

Охирги марта палиндром йиллар шу каби жуда яқин келиши олис - 999 ва 1001 йилларда қайд этилган эди.

Аввалги палиндром 1881 йил шоҳидлари қурган заминимизда бармоқ билан саноқли. Қаердадир тоғлар орасида қизил вино ва кўкатларни яхши кўрадиган 121 ёшли ёки ундан катта ёшли қариялар ҳаёт бўлиши мумкин.

Шунингдек, замондошларимизнинг аксарияти келгуси палиндром 2112 йилгача яшаши ҳам даргумон. Яна ким билади дейсиз...

Биринчи йилдан 999 йилгача палиндром йиллар роппа-роса юзта экан (1, 11, 22... 99, 101, 111, 121, 131...).

Тўрт сонли палиндромлар эса тахминан бир асрда бир марта содир бўлади: 1001, 1111, 1221, 1331, 1441... 2002 йилгача улардан 11 таси қайд этилган. Инсониятни олдинда 2112, 2222, 2332, 2442 ва ҳаттоки палиндром 3003 йиллари кутмоқда.

Дарвоқе, айрим башоратчиларнинг эътироф этишича, "гўзал 2222 йилда инсониятни ҳалокатдан сақлаб қолувчи Буюк халоскор туғилармиш", бошқаларининг айтишича, " ўша 2222 йилда қиёмат қойим юз берармиш".

### КАЛЕНДРОМ

Палиндром саналарда "календром"лар ҳам бўлади.

Саналарни ифодалаш учун ўзбек тили имло қоидаларига биноан аввал йил, кейин кун ва сўнгра ой ёзилиши кўзда тутилган. Демак, бизнинг қоидаларимизга асосланган "календром" 2002.20.02 (2002 йилнинг 20 феврали) бўлади.

### СИММЕТРИК ЙИЛЛАР

Палиндром йилларда рўй берган воқеаларни кўздан кечирамиз.

1111 йилни - "Биринчи НУЖ йили", 1881 йилни "Террор йили", 1991 йилни "Ўзгаришлар йили" дейиш мумкин.

1991 йилда ...

Давлат Фавқулодда Ҳолат Қўмитасининг (русчадаги ГКЧП) давлат тўнтаришини амалга оширишга қаратилган уриниши барбод бўлди.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи тугатилди.

1881 йилда ...

"Боинг" компанияси асосчиси Уильям Боинг, рассом Пабло Пикассо, пенициллин ихтирочиси Александр Флеминг каби буюк шахслар таваллуд топишди.

Германияда биринчи электр трамвайи ишга туширилди.

Россия подшоси Александр II ўлдирилди.

Пиноккио ҳақида Карло Коллодининг биринчи ҳикояси нашр этилди.

1771 йилда ...

Роберт Оуэн, сэр Уолтер Скотт туғилдилар.

Англиялик табиатшунос Джон Пристли фотосинтез ҳодисасини очди.

Биринчи финн газетаси чоп этилди.

1661 йилда...

Англияда илк бор яхтада пойгалар ўтказилди.

Хитойлик Мин сулоласи Тайванни босиб олди.

1551 йилда ...

Рус православ черковининг уч бармоқ билан чўқинишни маън қилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Россияда Иван Грозний даврида биринчи мактаб ва биринчи дорихоналар очилди.

1441 йилда...

Корейслар томонидан дунёда биринчи бўлиб ёғингарчиликни ўлчовчи асбоб - ёмғир ўлчагич кашф қилинди.

Алишер Навоий, Дионисий, Иван III Васильевич туғилдилар.

1331 йилда ...

Немислар Италия-Германия чегарасида жойлашган Чивидале шаҳрини қамал қилишда биринчи марта замбараклар ишлатишди.

Прагада биринчи тош йўллар пайдо бўлди.

Русияда очарчилик.

1221 йилда ...

Мўғул-татарлар Ўрта Осиёни босиб олишди.

Сербия православ динини қабул қилди.

**Машҳурахон ТЎХТАМИРЗАЕВА**

**Андижон**

## ГИЁҲВАНДЛИК– ИЛЛАТ

Марҳамат туманидаги Қора-қўрғон қишлоқ фуқаролар йиғинида ёшлар тарбиясига оид учрашув ва суҳбатлар тез-тез ўтказиб борилади. Айни вақтда, қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Истиқлол қишлоқ маданият уйи, милиция таянч пункти, қишлоқ врачлик пункти мутахассис ходимлари барча маҳаллаларда бўлишиб гиёҳвандлик ва диний экстремизмга қарши кураш мавзусида суҳбатлар ўтказишмоқда. Айниқса, Оқ бош, Йўлламатол, Хўжаариқ, Бозорбоши каби маҳаллаларда уюштирилган учрашувлар чоғида шифокор Маъруфжон Бакиров гиёҳвандлик туфайли келиб чиқадиган касалликлар ва унинг фожеали оқибатлари хусусида, участка нозири Расулжон Сариев гиёҳвандлик йўлига кирган ёшларнинг жиноятлари ҳақида суҳбатлар олиб бордилар. Бундай юзма-юз мулоқотлар ота-оналар ва ёшларда чуқур таассурот қолдирди.

**Сойибжон СОБИРОВ.**

**Яхшилар гулшани**

# МАСТЛИКНИ РОСТЛИК ДЕМАНГ

***Маст қилувчи ичимликлар истеъмол қилишнинг зарари ҳақида кўп эшитгансиз. Бугун гап умрни қисқартирадиган, киши ҳаётига таҳдид соладиган ушбу заҳар тўғрисидаги диний ҳукм хулосалар борасида.***

Маълумингизки, ислом динимизда ақлу ҳушга таъсир этувчи ичимликнинг, афюнни, кўкнорини истеъмол қилишнинг касофати ҳақида мисоллар, ҳукмлар кўп. Бинобарин ҳар қайси олижаноб одамга мастлик ярашмайди. Мастлик - ихтиёрий девоналикдир. Унинг оқибати - хасталик, барвақт ўлим. Киши аъзоибаданининг спиртли ичимликдан заҳарланиши оқибатлари узоқ ўтмишдан буён маълум.

Ислом динидаароқнинг зарари тўғрисида ипидан-игнасигача эътибор берилади, ҳар томонлама таҳлил этилади. Жумладан, Ислом динининг бошланиш даврида ароқнинг ҳаром ва насосатлигини билган Муҳаммад Расулуллоҳ (САВ) ислом аҳлига ароққа ишлатилган идишлардан фойдаланишни ҳам манъ қилганлар. Фақат Расул саллоллоҳу алайҳи вассаллам арoқ идишларини тозалангандан сўнг фойдаланиш кераклигини амр қилганлар. Уни уч марта ювиш, ҳар бир ювгандан сўнг албатта қуритиш лозим бўлади.

Аммо, баъзи бировлар хурсандчилик кунларида кўнгил хушлик учун, даво учун ичилса нима қилипти, маст бўлиб бировни хафа этмаса бўлдида, ароқни ўзи ҳаром эмас, кайфи ҳаром, деб юрадилар. Бу иймон-эътиқоди сустликдан келиб чиққан фикрдир. Хамр - маст қилувчи ичимликлар ичишнинг зарари тўғрисида биринчи марта қуйидаги оят нозил бўлган: «Эй Муҳаммад, одамлар сендан хамр ва қимор ҳақида сўрайдилар. Сен айтгинки, ҳар иккиси ҳам гуноҳи кабирадир, фойдаси ҳам бор, аммо зарари фойдадан каттароқдир». Ушбу оятдан равшанки, Оллоҳ таоло хамр билан қиморни одамлар ўша кезларда ўйлаб, ишониб юрганидек фақатгина фойдаси бўлмай, балки зарар ва гуноҳи ҳам борлигини айтиб ўтади. Вақт ўтиши билан, бу ҳукм одамлар орасида мақбул бўлгач, иккинчи оят нозил бўлади. Яъни, Нисо сурасининг 43-оятида шу нарса таъкидланади: «Эй, имон келтирган бандалар, маст ҳолларингда ўзларингни нима деяётганларингни ажратадиган бўлмагунларинггача намозга яқин келманглар». Одамлар Оллоҳ ҳукмини дилга жо айлаб, у ҳаётга мустаҳкам тадбиқ этилгач учинчи ҳал қилувчи оят нозил бўлади. Бақара сурасида Оллоҳ таоло Ислом динидаги хамрга нисбатан қатъий муносабат узил-кесил шундай баён қилинади: «Эй, имон келтирган бандалар, албатта, хамр ва қимор ва бутларга ибодат қилиб мол сўйиш ва фол шайтоннинг нопок амалларидир, улардан узоқ бўлинг, нажот топасиз». Бу билан спиртли ичимликни истеъмол қилиш ҳақидаги шаръий қонун ўз кўзлаган мақсадига, ғоясига етказилади.

Ичкилик - беаёв қароқчи, у инсоннинг бебаҳо бойлиги-ақлини ўғирлайди. Унга ружу қўйганларни маҳалладан, оиладан, жамоадан, ёр-биродарлардан, ота-онадан, муҳаббатдан айиради. Мастликнинг қора, мудҳиш ишларини санаб адо этиб бўлмайди. Оиланинг ҳурматли сардори бўлган баъзи бир кишилар ўша заҳри қотилдан ичиб, ҳаммани безор этиб, оғир дардга учраб сазойи бўлганларни эсланг, ҳушёр вақтингизда виждонингиз қийналиб юрмасин.

**Муҳаммад РАСУЛ.**

### ДОНИШМАНДЛАР МАСТ ҚИЛУВЧИ ИЧИМЛИКНИНГ ЗАРАРИ ҲАҚИДА

**Абул ФАРОЖ:**

*Шароб, уни ичадиган кишида тўрт сифатни юзага чиқаради. Аввало киши товусга ўхшаб қолади - у гердаяди, унинг ҳаракатлари мулойим ва улуғвор. Шундан кейин маймун феълини ўзида намоён этади ва ҳамма билан ҳазил-мазах қилади ва ўйнашади. Сўнгра у арслонга ўхшаб қолади ва ўз-ўзига ишонган, мағрур, ўз кучига ишонч ҳосил қилган бўлади. Лекин охир оқибатда чўчқага айланади ва унга ўхшаб лойга булғаниб ётади.*

**Фаридиддин АТТОР:**

*Майхўр кишига ҳеч бўлма ошно,*
*Ундайлардан узоқ юрганинг авло.*

**А.САНОИЙ:**

*Мастлик қилмайди доно,*
*май ичмас оқил одам,*
*Ақл эгаси мастликка қўймайди оёқ бирдам.*

**Саъдий ШЕРОЗИЙ:**

*Май ичишар яноқ бўлсин деб зебо,*
*Охир юзни у қилур қаҳрабо.*

**ЎЗБЕК МАҚОЛИ:**

*Бир мири пиён,*
*Уч мири зиён.*

**Умар ҲАЙЁМ:**

*О май, сен кучли арқон мисоли*
*Ичувчининг ақлин боғлаб олгансан.*
*Ўзингга қул қилиб руҳин-хаёлин*
*Доимо истаган йўлга солгансан.*

**Алишер НАВОИЙ:**

*Май ичмоқни қилсанг гар одат,*
*Ўзлигингдан кечарсан албат.*

**Абу Аъло ал-МААРИЙ:**

*Мастлик кулфатлар эшигидир, унга кира кўрма.*

**Л.Н.ТОЛСТОЙ:**

*Май киши онгини хиралаштириб, унинг виждонини ухлатади, ёмон йўл ва ҳаракатларга мойил қилади.*

**Туҳфа**

## «Юрак билан қиларди ижод»

***Академик шоир Ғафур Ғулом ҳақида гап кетганда уни яхши билганлар унинг маҳалла-кўй билан жуда яқин бўлганлигини хотирлашади. У том маънода маҳалланинг жонкуяри эди, деб эътироф этишади. Келаси йил бошида севимли шоиримизнинг таваллуд кунларига 100 йил тўлади.***

***Шоир Олимжон Бўриев бу санага тўёна сифатида адибнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида шеърий асар битди. Биз муштарийларимиз эътиборига янги асардан парча ҳавола қиламиз.***

***

Ғафур Ғулом эди ажойиб бир зот,
Юрак амри билан қиларди ижод.
Барчага баробар у очиб оғуш,
Айниқса, ёшларни қаршиларди хуш!
Феълига ёққанга қўярди ихлос,
Таъбига кимларки гар келмаса мос.
Четлаб ўтар эди ранжитмай сира,
Бировни қилмасди асло дилхира.
Агар бир даврада бўлса ўн одам,
Мослаб гап топарди ўновига ҳам.
Лутфидан ҳеч кимса бўлмасди малол,
Таъбига хуш ёқиб у айтган мақол.
Кексани ҳурмат-ла шод этса ҳар чоғ,
Ёшнинг иззатига туширмасди доғ.
Одоб тарозусин посангин босиб,
Ким қандай ҳурматга бўлса муносиб.
Жойига қўярди бўлмай кам-кўсти,
Шу боис шоирнинг кўп эди дўсти.

***

Қатағон йиллари минг бир издиҳом,
Ичидан қон бўлиб бас, Ғафур Ғулом
Омон қолди, аммо дарди дилида-
Қолиб, келолмасди асло тилига.
Йиғларди пинҳона шоир уриб оҳ,
Унинг дардин фақат биларди Аллоҳ!
Тилига эрк берса боши кесилар,
Айтмаса анордек дили эзилар.
Не қилсин, шоирнинг қисмати оғир,
Аламдан эзилиб ичарди чоғир.
Пардалаб айтарди айтар гапини,
Яратди муосир шеър мактабини.
Истаган мавзуда Ғафур Ғулом бас,
Ёза олар эди қилгудай ҳавас!
Ҳали тонгти қушлар бўлмаслан бедор,
Назм мизи узра эди ижодкор.
Унга фарқсиз эди наср ва назм,
Ёзарди қунт ила кўргузиб азм.
Ҳам унда бор эди ғалати одат,
Яхши шеър шоирга бахту саодат!
Ярим тун ёзса гар гўзал тўрт сатр,
Илҳоми таратиб хушбўйлик атр,
Севинчи ичига сиғмайин буткул,
Ухлаган жуфтини уйғотарди ул!
Ҳам ўқиб берарди ёзган баётин.
Муҳаррам опаким шоир ҳаётин
Энг яхши билгувчи, ёстиқдоши ҳам,
Ҳикоя этганлар: «Шеър ёзувчи дам,
Тунлари тутатиб қанча папирос,
Гавҳар сўзлар ила тешиб дур, олмос,
Ҳам неча чойнаклаб ичар эди чой,
Тахайюл олами гар очиб чирой,
Кашфиёт этганда фалсафа сўқиб,
Шеърларин ғурур-ла берарди ўқиб».
Тун бўйи ухламай, тушиб тўлғоққа,
Гулқайчи кўтариб тонгсаҳар боққа,
Чиқаркан, ундан сўнг айланиб бозор,
Бировга етказмай ташвишу озор,
Кўтариб келарди қаймоғу ширмон,
Эли саховатли ҳамда меҳрибон.
Нашриёт, радио, газета-журнал
Ходимлари келиб унга галма-гал,
Буюртма беришса шеър ё мақола,
Шоир дер эдилар: «Майли, сен бола,
Кўчани айланиб, бир-икки соат,
Кейин кел, бўлмайин бунча бетоқат».
Шу янглиғ жавобдан бўлиб кўп дилгир,
Кўчани айланиб келган ҳар мухбир,
Истагин муҳайё ҳолида топиб,
Сўнгра манзилига кетаркан чопиб.
Ҳар қандай ҳолатда талабга доир,
Ёзиб берoларди қудратли шоир!

Қирқ олтинчи йилда мен, Туроб Тўла,
Шоирнинг уйига бордик бир йўла,
Дея, Саид Аҳмад қилар ҳикоя,
Шеър ёздириб олиш мақсаду ғоя.
Ғафур ака шеърни тугатгунча то,
Оппоқ қор бағрида қолганди дунё!
Биринчи қорлиги боиси албат,
Жоиз бўлар эди ким элтса қорхат.
Ғафур Ғулом деди: «Қазили палов
Егайсиз, иккингиз жўнангиз дарров.
Собир Абдуллага етказиб хатни,
Кўргузинг қочишда унга суръатни.
Қўлга тушсангизлар шу йигит сўзим,
Қилиб бержакман паловни ўзим.
Мухтасар келтирсак агар - «қорхат»,
Эди шеърий тарзда бир юксак санъат:
«Дўстимиз Собиржон ибн Абдулло,
Сизга етиб маълум бўлсинки илло -
Бу қорхат, сабаби қайғули қорин,
Шўрваю палову мантию норин,
Қази, қарта ила айшу тарало,
Мирикиб дўстлар-ла қилайлик ялло!
Мен шайхи Мавлавий, ёнимда Уйғун,
Миртемир соқийи юзлари гулгун,
Собиро, мендек азиз меҳмон қани,
Яхши кут, қиздир расо чирманлани.
Ул Яшин Шайхзода-ла айлаб муқом,
Даврага тушсин узат олмоси жом.
Мендан озроқ ранжиганмишсан, укам,
Доимо ушбу жаҳон бир мири кам.
Суҳбату хуш, очилиб диллан тугун,
Оға-ини бўламиз яйраб у кун».
Ғафур Ғулом роса ёзарди гўзал,
Ҳажвда ўзига ўрнатди ҳайкал.
Ғафур ака рақсга тушганида хос,
Унинг ўйинини ҳар қандай раққос,
Чиқиб бир чеккага томоша қилиб,
Турарди маҳлиё унга тикилиб.
Тақсимча олиб ё этганда хониш,
Тинглаб жим турарди бор аҳли дониш.
Дутор чертганида тингловчилар сел-
Бўлиб, шоирини ардоқларди эл.
Китоб муқовасин доимо шоир,
Ишлатарди қатъий фикрига доир.
Унга тегишарди баъзи муҳаррир,
Корректураларни ўқимайсиз бир,
Муқовани эса кўрганда ҳар гал,
Ёқмади деб атай қиласиз жанжал,
Дейишганда шоир сира тортмай тап,
Уларни мот қилиб дерди шундай гап:
«Китобни устига қараб ҳар даҳо,
Олиб, сўнг ичига бергайдир баҳо.
Дегандир Навоий фикрати гўзал,
Шу ҳикматга биз ҳам қиламиз амал».
Ғафур Ғулом доим чизарди сурат,
Эътироф этарди гоҳ қилиб журъат:
- Шоирлик дилимни айламаса ром,
Шубҳасиз бўлардим наққош ё рассом.
Рассом бўлмаганда ҳофиз - муғанний,
Чойингдан қуй ,«илҳом париси» қани» -
Дер эдилар Худо айласин раҳмат -
Дея хотирлагай ул Саид Аҳмад!

**Олимжон БЎРИЕВ**



Гурунг авжида

**Саховат**

## РАҲМАТ, ҒУЛОМЖОН!

Ғуломжон Нурматов Марҳамат туманидаги Умрзоқ Қорабоев номли ширкатда бош муҳандис бўлиб ишлайди. Яқинда 25-ўрта мактаб биносини таъмирлаш учун ўз ҳисобидан юз минг сўм пул ўтказиб берди. Шу мактабда болалари ўқийдиган яқин-атрофдаги маҳаллаларнинг аҳли бу саховатпеша йигитнинг ҳимматидан мамнун бўлдилар.

**Шингил ҳикоялар**

### ОНА

***Ўтлаб юрган сигир нима бўлди-ю, ариққа қулаб икки оёғи синди. Сигир сўйилди. Кунига сут-қатиқ аримайдиган дастурхондан барака кетди.***

Муборак буви невараларининг ранг-рўйи ярим ойдаёқ ўзгарганини кўриб, сигир олиш ҳаракатига тушди. Ўғлини бозорга жўнатди. Ўғли бозордан қуруқ қайтди: кўнглига бирортаям сигир тўғри келмабди. Бувининг сигир олмоқчи бўлганини эшитган қудаси сигир-бузоғи борлигини айтди.

Қудасининг сигирига кўпдан ҳаваси келиб юрган, Муборак буви бундан қувонди, темирни қизиғида босди. Ўғлини зудлик билан қудасиникига жўнатди. Қудасиникидан елини осилган сигир бузоқсиз келганида бувининг юраги орзиқиб кетди. Сигир дастлабки куни тўйиб овқат еди. Кечаси қилиқ кўрсатди: маърайвериб оила тинчини бузди. Эртасига овқатни тўлиқ емади. Олди-орқасидан келганни сузиб, тепди. Яқинига ҳеч кимни йўлатмади.

Уйдагилар бунақанги жағи очиқ сигирни ҳеч кўрмаган эдик, нимагаям олдик, деб ҳайрон қолишди.

Учинчи куни тунда Муборак буви ўрнида ҳеч ётолмади. Молхонага борди. Ой теваракка нур таратиб турарди. Буви маъраётган сигирга қаради, қаради-ю, баданини титроқ босди, сигирнинг икки кўзидан ёш қуюларди. Эри урушда ҳалок бўлган, уч нафар фарзандини оқ ювиб, оқ тараган Муборак бувининг кўнгли бузилди: «Боласидан айирмай мен ўлай», - деди.

Муборак буви ўғли билан ҳали тонг ёришмасидан чўнтагига пул солиб қудасиникига бузоқ олиб келгани йўлга тушди.

### СОҚЧИ

***Ошхонада овқат қилаётган Раъно ўғли чириллаб йиғлаганига ҳайрон бўлиб, бешик томон югурди. Бешик ёнида мушук миёвларди.***

- Болагинам ўтакасини ёрган сенми? Ҳув балога йўлиққур!

Раъно мушукка қараб қўлига илинган супургини отди. Мушук ташқарига отилди. Раъно ўғилчасининг юз-кўзларидаги ёшни артди, кейин эркалади-да, кўкрагини тутиб, атрофга разм солди. Шифтга қаради. У ерда осилиб турган илонни кўриб қўрққанидан кўзларини юмиб олди. Бақирди. Томорқада ер чопаётган эри Раҳимжон югуриб келди. Икковлашиб илонни ўлдиришди.

Мушук бир неча кун Раънодан ўзини олиб қочиб юрди. Бир куни Раъно бешик ёнида ястаниб ётган мушукни кўриб қолди. Ўғилчаси ширин уйқуда. Мушук уй эгасини кўриб, жунларини ҳурпайтириб олди. Раъно ҳеч нарса кўрмагандай орқасига қайтди, эшикни аста ёпди. «Яна соқчилик қиляпти» деб қўйди ўзига ўзи.

**Холхўжа МИРЗАЕВ.**




## Янгисидан бор...

**Мусаввир хандаси**



Х.СОДИКОВ чизган.




### МУНАЖЖИМЛАР ТАЪБИРИ



**ҚЎЙ (21.03-21.04)**
Шу кунларда сизга ҳар доимгидек ўта шошқалоқлигингиз панд бериши мумкин. Албатта серҳаракат ва тезкор бўлиш яхши, лекин бу ўринда бироз мулоҳазали бўлиш сиз учун фойдалидир.

**СИГИР(22.0420.05)**
Келаси чоршанбагача сизда кўп юмушларни ижобий ҳал этиш имконияти катта. Бу имкониятдан тўлиқ фойдаланиб қолинг, дам олишга эса кейин ҳам улгурасиз.

**ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)**
Сизга энг биринчи маслаҳат - соғлигингизга жиддий эътибор беринг. Айни дамда арзимасдек туюлган хасталик кейинроқ жиддий асорат қолдириши мумкин.

**ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)**
Айни кунларда меҳмондорчилик қилишга кайфиятингиз бўлмаса ҳам, мажбурият юзасидан турли давраларда бўлишингизга тўғри келади. Бироз зерикишингиз мумкин.

**АРСЛОН (23.07-22.08)**
Сизда яқин одамингизга ажойиб бир совға тақдим этиш истаги қанчалик кучли бўлмасин, бу тадбирни кейинроққа қолдиришга тўғри келади. Сабаби - шу кунларда камхаржроқсиз.

**ПАРИЗОД(23.08-22.09)**
Шу кунларда иш жойингизда ҳам, оилангизда ҳам муаммолар йиғилиб қолган. Лекин ўзингизни ортиқча толиқтирмасликка ҳаракат қилинг, муаммолар ўтиб кетади.

**ТАРОЗУ (23.09-22.10)**
Қайсарлигингиз туфайли сизга берилган яхши маслаҳатга кирмай, хато қилиб қўйишингиз мумкин. Бирон кор-ҳол рўй бермасин десангиз, қайсарлик қилманг.

**ЧАЁН (23.10-22.11)**
Узоқ муддатдан бери мўлжаллаб юрган тадбирни ўтказиш фурсати етди. Барча саъй-ҳаракатларингизни дўстларингиз кўнгилини олишга сарфланг.

**ЎҚОТАР (23.11-21.12)**
Ўзингизга кутилмаган тарзда хушхабар эшитасиз. Оиланинг майда-чуйда муаммоларини эътиборга олмаганда, бу ҳафта кўнгилли ўтади.

**ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)**
Ижодий соҳа ходимлари учун бу ҳафта айниқса сермаҳсул бўлади. Кўпдан бери йиғилиб қолган ишларни тугатиш, янгиларини бошлаш учун жуда қулай фурсат етди.

**ҚОВҒА (20.01-18.02)**
Шу кунларда кўчмас мулк билан боғлиқ масалаларда сизни чалғитишлари ёки алдашлари мумкин. Бу соҳада фақат мутахассис фикрига асосланиб иш қилинг.

**БАЛИҚ (19.02-20.03)**
Дўстларингизнинг бири сизга бахиллик қилиши туфайли ноқулай аҳволда қоласиз. Бу вазиятдан чиқиш учун кўп куч сарфлашингизга тўғри келади.

MAHALLA

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Эркин БОҚИБОЕВ, Расул РАҲМОНОВ (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Бахтиёр РИЗАЕВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Шавкат ЎРАЗАЕВ, Таънаберди ҚУРБОНОВ, Эркин ҒУЛОМОВ.

Масъул котиб: Аслиддин БЎРИЕВ
Саҳифаловчи: Аброр БЕРДИЕВ
Навбатчи: Гулчеҳра ЖАМИЛОВА

Газета таҳририят компьютерида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди.
А-2, 2 босма тобоқ.
Буюртма Г-626

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.

Топширилди—21.30